

ИНСОННИНГ КОСМОСДАГИ ЎРНИГА НИСБАТАН МУҚОБИЛ ЁНДАШУВЛАР

Jumaniyozova Sabohat Bekturdiyevna

Mirzo Ulug‘bek Nomidagi O‘zbekiston Milliy Universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya

Инсониятнинг технологик қобилиятлари, тарақиётнинг ўзига хос jihatlarini ochib berishga harakat qilamiz. Ҳозирги давр нуқтаи-назаридан инсоният тарихига, табиатнинг яширин кучларини илм-фан ва рационал фикрлаш орқали бўйсундириш мумкинлиги ва келажакда инсон яшаш шароитларини яхшилаш мумкинлигига ишона бошлаганлигига мисоллар келтирилган. Bundan tashqari, Рационализм ва илм-фанга нисбатан исёнлар, диний ва дунёвий кўринишдаги иррационализм шакллариининг урчиб кетиши, субъективизмнинг мисли кўрилмаган баландликларга чиқиши, кишининг ўз қизиқиш ва истаклари қобиғига ўралиб қолиши – буларнинг барчаси бугунги кунда мисли кўрилмаган даражада одамлар дунёқарашини белгилгилаши bilan bog‘liq g‘oyalar tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: Антроп тамойил, технология, тарақиёт, “Келажак манзараси”, дунё келажакнинг моддий, технологик ва иқтисодий жиҳатлари, тарих, рационализм, рационал фикрлаш, пессимистик кучлар, ишонч, “Кучли” ёки “кучсиз” антроп, сунъий интеллект ва машина интеллекти, биотехнология, гипотеза, астрофизика.

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ ПОДХОДЫ К МЕСТУ ЧЕЛОВЕКА В КОСМОСЕ

Джуманиезова Сабохат Бектурдиевна

Независимый исследователь Национального
университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Аннотация:

В данной статье предпринята попытка раскрыть технологические возможности человечества и особенности его развития. С современной точки зрения приводятся примеры веры в то, что благодаря науке и рациональному мышлению можно подчинить себе скрытые силы природы и улучшить условия существования человека в будущем. Кроме того, анализируются идеи, связанные с массовым распространением восстаний против рационализма и науки, проявляющиеся как в религиозных, так и в светских формах иррационализма, с невиданным усилением субъективизма, с тем, как человек всё больше замыкается в оболочке собственных интересов и желаний — всё это оказывает огромное влияние на современное мировоззрение людей. **Ключевые слова:**

Антропный принцип, технологии, развитие, «картина будущего», материальные, технологические и экономические аспекты будущего мира, история, рационализм, рациональное мышление, пессимистические силы, вера, «сильный» и «слабый» антропный принцип, искусственный интеллект и машинный интеллект, биотехнологии, гипотеза, астрофизика.

ALTERNATIVE APPROACHES TO THE PLACE OF HUMANITY IN THE COSMOS

Jumaniyozova Sabohat Bekturdiyevna

Independent Researcher, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Abstract:

This paper attempts to explore the technological capabilities of humanity and the unique aspects of its development. From a contemporary perspective, it presents examples of how humanity has begun to believe in the possibility of subjugating the hidden forces of nature through science and rational thinking, as well as in the potential to improve living conditions in the future. Furthermore, the study analyzes ideas associated with widespread rebellion against rationalism and science, the proliferation of irrationalism in both religious and secular forms, the unprecedented rise of subjectivism, and the tendency of individuals to become trapped within the shell of their own interests and desires — all of which are increasingly shaping the modern human worldview.

Keywords: Anthropic principle, technology, development, “future vision,” material, technological and economic aspects of the world’s future, history, rationalism, rational thinking, pessimistic forces, belief, “strong” or “weak” anthropic principle, artificial intelligence and machine intelligence, biotechnology, hypothesis, astrophysics.

Introduction

Инсониятнинг технологик қобилиятлари кенгайишини тараққиёт деб аташ мумкин. Лекин тараққиёт деганда асосан вазиятнинг яхшиланиши тушунилади ва шунчаки технологик имкониятлар кенгайиши вазиятни яхшилайдиган фикр ҳақиқатдан йироқ деб ўйлаймиз. Гарчи ўтмишда технологик имкониятлар кенгайиши вазиятнинг яхшиланишига сабаб бўлган бўлса-да, ҳозирги даврда ва келажакда ҳам технология бахт ва фаровонликка сабаб бўлиши муқаррар деб ҳисоблаш тўғри эмас. Шундай экан, нисбатан нейтрал бўлган “технологик ривожланиш” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги давр нуқтаи-назаридан инсоният тарихига қарайдиган бўлсак, макро даражада технология ривожланишининг фақатгина бир томонга кетаётганини пайқамасликнинг иложи йўқ, лекин доим бундай бўлмаганлигини тан олиш лозим. Инсоният тарихининг каттагина қисмида технологик тараққиёт шу қадар паст суратларда ривожланганки, уни деярли пайқамаслик мумкин бўлган.

Роберт Хеилбронернинг “Келажак манзараси” китобида, ҳомо сапиенс тури пайдо бўлиши билан инсониятнинг нарсалар ўзгариши борасидаги қарашлари уч босқичдан иборат бўлган,[1] деган фикрини асосли деб ҳисоблаймиз. Чунки биринчи босқичда, яъни илк тарих ва қадимги тарих даврларида дунё келажаги моддий, технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзгаришсиз бўлиши тасаввур қилинган; иккинчи босқич XVIII асрдан XX асрнинг иккинчи ярмига қадар бўлиб, бу босқичда индустриал давлатларда аҳолининг келажак ҳақидаги қарашлари ўзгарган ва инсонлар эндиликда табиатнинг яширин кучларини илм-фан ва рационал фикрлаш орқали бўйсундириш мумкин ва келажакда инсон яшаш шароитларини яхшилаш мумкинлигига ишона бошлаган; учинчи босқичда (урушдан кейинги босқич, лекин асосан иккинчи босқич билан умумий жиҳатлари бор) келажак қандайдир икки ёқлама табиатга эга сифатида: шахсиз кучлар назорати остидаги, ёки зарарли ва вайронкор, қолаверса бунёдкор руҳга эга сифатида ҳам кўрилади.

Демак, моддий бойликлар йўқ шароитда шунчаки ахлоқий ва маънавий бойликнинг ўзи инсоният учун тараққиётни англатадими?, ёки тараққиёт бу шунчаки қадимги юнонлар айтгандек, Ксенофан ва Протагордан бошланувчи қадимий файласуфлар билимларининг тўпланиб, бойиб, келажак авлодларга ўтиб боришими? деган саволларга жавоб топиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният тарихининг асосий қисмида, жумладан ўрта асрларда ҳам билимлар, тафаккур ва илм-фанга бўлган ҳурмат-эҳтиром шу қадар юқори бўлганки, киши тараққиёт айнан шу мезонлар билан ўлчаниши муқаррар, деган ҳулосага келиши мумкин, лекин XX асрда вазият ўзгарган. Рационализм ва илм-фанга нисбатан исёнлар, диний ва дунёвий кўринишдаги иррационализм шакллари урчиб кетиши, субъективизмнинг мисли кўрилмаган баландликларга чиқиши, кишининг ўз қизиқиш ва истаклари қобиғига ўралиб қолиши – буларнинг барчаси бугунги кунда мисли кўрилмаган даражада одамлар дунёқарашини белгиламоқда. Тараққиёт ғояси пессимистик кучлар оммаси томонидан интеллектуал майдондан бутунлай сиқиб чиқариши хавфи ошмоқда.

Умумий ҳолда инсоният цивилизациясида ҳеч бир ғоя тараққиёт ғояси каби чуқур ва ўчмас из қолдирмаган. Бошқа ғоялар ҳам масалан: эркинлик, адолат, тенглик, ҳамжиҳатлик каби ғояларнинг асосида ҳам ўтмиш, бугунги кун ва келажакни бирлаштириб турувчи тараққиёт ғояси ётади. Ҳар қандай ахлоқий ёки сиёсий

ишончининг асосида ҳам, унинг кадр-қиммати ҳам инсониятнинг ўтмишдан келажакка томон йўлини жадаллаштиришга бўлган салоҳияти ётади. Шундай экан, оддий қилиб айтганда, тараққиёт ғоясига кўра, инсоният ўтмишдаги ибтидоий кўринишдан, ёввойилик кўринишидан илгарилаб, бугунги кунда ҳам илгариламоқда ва келажакда ҳам илгарилашда, илғорлашишда давом этади. Ж. Бери фикрича, тараққиёт ғояси ўтмиш синтези ва келажак башоратининг қўшилишидир. Бу ғояни “ночизиқли тарзда оқувчи вақт ҳиссига ҳам солиштириш мумкин”. [2] Артур Ловжой ўзининг “Антик давр примитивизми ва шунга ўхшаш ғоялар” асарида ушбу ғоянинг “тарихий жараённинг ўзининг ва унда намоён бўлувчи асосий трендларнинг ҳам олқишланишини” ўзида акс эттириши ҳақида ёзади. [3] Ловжой фикрича “Ушбу тарихий жараёндан огоҳликнинг оқибатлари, инсон табиатидаги ўтмиш билимлари ва кўникмаларининг келажак авлодларга яхшиланган ҳолда ўтказилишига бўлган ишончдир”. [4] Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ушбу ғоя ўз ичига ушбу тараққиёт босқичларининг давомийлик, тадрижийлик, табиийлик, муқаррарлик каби хоссаларни ҳам қамраб олади. Бу ғоя шунчаки тасодиқийликни эмас, балки олам ва жамиятга азалдан хос бўлган хоссани ифодалайди. Қуйидан юқорига, қолоқдан илғор томонга ҳаракат ҳам худди табиат қонунлари каби аён ва муқаррар жараёндир.

Лекин бундай қуйидан юқорига томон “илгарилаш” ўзи нимани англатади? Бу масалада қадимги юнонлардан бошлаб ҳозирги ХХІ аср олимлари орасида ҳам икки далилга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Биринчи далил: Инсонларнинг бир-бири билан жамоа бўлиб яшашга уриниши оқибатида санъат ва илм-фанда, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда қўлланувчи муайян билимлар ва кўникмаларнинг тадрижий ва босқичма-босқич тарзда авлоддан-авлодга ўтиши ва сайқалланиб бориши жараёнининг муқаррар экани далилидир.

Иккинчи далил: инсоннинг ахлоқий ёки маънавий ҳолати, унинг Ердаги шароити, бахт-фаровонлиги, унинг эркинлигининг босқичма босқич муқаррар тарзда ўзгариб, яхшиланиб бориши далилидир.

Дарҳақиқат маълум бир соҳаларда аввалига етуклик ва мукаммаллик ҳукм суриб, ундан кейин таназзул келган. Лекин қадимги юнонлар ва римликлар орасида ҳам бунинг тескарисига ишонувчи, аввалига қолоқлик ва жоҳиллик ҳукм суриб, инсоният учун нажоткор куч сифатида айнан билим ва билимнинг ўсиши хизмат қилади, деган фикрга ишонувчилар ҳам бўлган. Худди шундай фикрдаги мутафаккирларни Ўрта асрларда ҳам, айниқса бугунги кун олимлари орасида қўплаб топиш мумкин.

Протагор, Платон, Аристотел, Лукреций, Сенека, Авлиё Августин, Жан Бодин, Исаак Ньютон, Роберт Бойл, Жозеф Пристли, О.Конт, Ф.В.Гегел, Ч.Дарвин, К.Маркс, Герберт Спенсер каби мутафаккирларнинг ҳеч бири инсоният ёки цивилизация тараққиёти каби мавҳум тушунчага ишонувчилар ўз ишончлари учун эмпирик тасдиқ қидирмаганлар.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида фалсафий мушоҳадаларда ҳам оламнинг инсоният мавжудлигига мос параметрларига эга бўлиши тўғрисида гипотеза ҳисобланмиш антроп тамойил ўта фойдали қурол сифатида хизмат қилиши мумкин. “Кучли” ёки “кучсиз” шаклларда ифодаланиши мумкин бўлган ушбу тамойилга кўра ҳаёт пайдо бўлиши учун зарурий шароитлар шунчаки тасодиф эмас, балки “уларни тушуниш охиروқибатда илмий-жамоатчиликда инсоният тафаккури борасида қарашларимизни ўзгартириб юбориши мумкин”. [5]

Антроп тамойилни ҳисобга олган ҳолда замонавий технологик тараққиёт келажақда қандай оқибатларга олиб келиши борасида кўпчилик замонавий тадқиқотчилар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Уларни қизиқтирувчи энг муҳим саволлардан бири бу технологик ва илмий ривожланиш суръатининг нима билан яқунланишини билишдир. Мавжудлигимиз учун имкон берган шароитларнинг ўта нозик ташкиллашганини ҳисобга оладиган бўлсак, инсоният ушбу нозик мосланган шароитлардан ўз фойдасига фойдаланиб, илғор технологияларни яратишга муваффақ бўлган. Сунъий интеллект, биотехнологиялар ва космосни тадқиқ этиш каби соҳалар ўз мавжудлигимизнинг ҳам асосида ётувчи тамойилларга асосланишини намоён этмоқда.

Мисол учун, сунъий интеллект ва машина интеллекти каби технологиялар келажақда соғлиқни сақлаш, транспорт тизими, ишлаб чиқариш каби соҳаларда инқилобларга сабаб бўлиши кутилмоқда. Антроп тамойил эса сунъий интеллект билан боғлиқ ахлоқий хавотирлар ва эҳтимоллий хатарларни олдиндан кўра олиш ва тушуниш учун назарий қурилма сифатида хизмат қилиши мумкин. Тобора мураккаб сунъий интеллект тизимлари барпо этар эканмиз, “ушбу технологияларнинг инсон ҳаётини таъминловчи, уни устун кўрувчи тамойиллар билан мослаштиришга эришиш ўта муҳимдир”. [6]

Шу боис антроп тамойилга кўра, биологик тизимларни манипуляция қила олиш қобилиятимиз ҳам айни пайтда оламнинг нозик мосланганлигининг табиий давомидир. Бироқ, ушбу ривожланиш суръати доимо ахлоқан назорат остига олиниши ва қабул қилувчи қарорларда муҳим ўрин тутиши зарур. [7] Бошқа сайёраларнинг ўрганилиши ва келажақда колониялаштирилиши инсоният келажаги учун жиддий қадам бўлиши мумкин.

Шунингдек, Ерда ҳаётнинг мавжуд бўлишини таъминлаган тамойил оламнинг бошқа нуқталарида ҳам амал қилади. Ердан ташқарида ҳаётнинг, ёки ҳаёт учун қулай шароитга ега сайёраларнинг аниқланиши нафақат антроп тамойилнинг марказий гипотезаларини тасдиқлайди, балки космосдаги ҳаётга бўлган салоҳият ҳақидаги тушунчаларимизнинг ҳам кенгайишига олиб келади. [8] Антроп тамойил оламдаги ролимиз ва масъулиятларимиз борасида ҳам теран ва фалсафий саволларга жавоб излайди. Технологик жиҳатдан ривожланар эканмиз, хатти-ҳаракатларимизнинг ахлоқий томонлари ҳақида эндиликда космик миқёсда қайғуришимиз зарур.

Дарҳақиқат, оламни тадқиқ этиш ва тушунишда давом этиш инсониятнинг узок келажаги учун ўта муҳимдир. Бунга космик тадқиқотлар, астрофизика ва шунга ўхшаган соҳаларнинг ривожлантирилишини мисол қилиш мумкин. Ушбу соҳаларда олинувчи билимлар оламнинг инсон ҳаёти учун нозик мосланганлиги ҳодисасини ва ундаги инсоннинг ўрнини яхшироқ тушуниш имконини беради.

Conclusion

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ҳаттоки минтақавий даражада қудратли давлатлар орасидаги ядровий тўқнашув ҳам глобал даражада атроф-муҳитнинг ифлосланиши, очарчилик ва жамиятларнинг вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Ядровий урушдан ташқари биотехнология ҳамда сунъий интеллект каби эндиликда юзага келаётган тенологияларнинг хатарини ҳам унутмаслигимиз зарур. Гарчи бу технологиялар инсон соғ-саломатлиги ва фаровонлигини оширишда катта рол ўйнаса-да, бир пайтнинг ўзида улардан кенг миқёсда фойдаланиш жиддий ахлоқий ва экзистенциал хатарларни ўзи билан олиб келиши мумкин. Шунингдек ушбу технологиялар биотерроризмга ва глобал аҳолининг каттагина қисмини қириб юбориши мумкин бўлган вирус ва патогенларнинг яратилишига имкон бериши мумкинлигига эътиборимизни қаратади.

References

1. Heilbroner, R. L. Visions of the future: the distant past, yesterday, today, tomorrow New York: Oxford University Press. 1995. – P.78.
2. Bury, J.B. The Idea of Progress: An Inquiry into Its Origin and Growth. London: Macmillan and Co., Limited. 1920
3. Lovejoy, A.O., Boas, G. Primitivism and Related Ideas in Antiquity. Baltimore, MD: Johns Hopkins University Press. 1935. – P.89
4. Lovejoy, A. O., Boas, G. Primitivism and Related Ideas in Antiquity. Baltimore, MD: Johns Hopkins University Press. 1935. – P.103
5. Barrow, J. D., & Tipler, F. J. The Anthropic Cosmological Principle. Oxford University Press. 1986. – P.45.
6. Bostrom, N. Superintelligence: Paths, Dangers, Strategies. Oxford University Press. 2014. – P.46.
7. Church, G. M., & Regis, E. Regenesi: How Synthetic Biology Will Reinvent Nature and Ourselves. Basic Books. 2012. – P.67.
8. Kasting, J. F. How to Find a Habitable Planet. Princeton University Press. 2010, – P.45.
9. Rees, M. Our Final Century: Will the Human Race Survive the Twenty-First Century? Basic Books. 2003. – P.34.

Participant Information:

1. Full Name: Jumaniyozova Sabohat Bekturdiyevna
2. Academic Degree and Title: None
3. Workplace and Position: Leading Specialist, Republican Center of Spirituality and Enlightenment
4. Article Title: The Essence and Nature of Cause-and-Effect Relationships in the Cosmos
5. Phone Number, Email: +998 94 657 07 87